
“БЎШ ИШ ЎРИНЛАРИ” МЕХНАТ ЯРМАРКАСИДА 105 НАФАР ИШСИЗ ФУҚАРОЛАР ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНДИ.

Данғара тумани Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази биносида “Бўш иш ўринлари” меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

Меҳнат ярмаркага секторлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларида яшовчи кам таъминланган оилаларнинг ишсиз аъзолари, сектор ҳудудидаги хотин-қизлар, аёллар ва ёшлар дафтаридаги ишсиз фуқаролар таклиф этилдилар.

Ярмаркада тумандаги 41 та корхона, муассаса, ташкилот ва фермер хўжаликлари ўзларидаги шу кунда мавжуд бўлган 392 та бўш иш ўринлари билан қатнашдилар.

Меҳнат ярмаркасида фуқаролар меҳнат муносабатлари, меҳнат қонунчилиги ва тумандаги бўш иш ўринлари тўғрисида керакли маслаҳат ва маълумотларни олдилар.

Ўтказилган бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркасида 218 та ишсиз фуқаролар шундан (142 нафар аёллар) ва 151 нафар ёшлар қатнашди, туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан 105 нафар ишсиз фуқаролар иш билан таъминланди Шундан (67 нафар аёллар) (75 нафар ёшлар)ни тумандаги корхона ва ташкилотлардаги мавжуд бўш иш ўринларига ишга жойлаштириш учун йулланмалар берилди. 1 нафар ишсиз ёшга тадбиркорликка давлат рўйхатидан ўтиш учун(245000 сўм) Субсидия маблағи тўлаш учун ҳужжатлар расмийлаштирилди. 112 нафар фуқаролар (75 нафар аёллар)га ҳамда 76 нафар ёшларга меҳнат қонунчилиги бўйича тушунтиришлар ва маслаҳатлар берилди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#),
2021-06-06 09:43:33